

Бойқушдан шумланиш йўқ



20:00 / 04.09.2020 2855

Баъзилар ўйлаганидек, бойқуш бехосият қуш эмас. У ҳам бошқа йиртқич қушлар каби бир оддий жонзот. Фақат у одамлар кам, хароба жойларга ин қургани учун кишиларда шундай тасаввур ўрнашиб қолган. Бундай тасаввур жоҳилият даврида ҳам бўлган экан. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бойқушдан шумланишдан қайтарганлар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бойқушдан шумланиш йўқ»** деганлар».

Имом Бухорий ривояти.

Бойқушнинг кўз қовоқлари учта бўлиб, ҳар бирининг ўз вазифаси бор:

- Киприклар учун қовоқ;
- Кўзни тозалаш учун қовоқ;
- Ухлаш учун кўзни юмганда керак бўладиган қовоқ.

Бойқушнинг деҳқончиликда катта фойдаси тегади. Сабаби у экин зараркунандаларини қиради. Масалан, дала сичқони, каламуш, сичқон,

чумчуқлар, чигирткалар, қурбақалар ва ҳоказоларни овлайди.

Тахминан бир йилда 5000 та сичқон ейди.

Кўзлари жуда ўткир бўлиб, тунда ҳам бемалол ўлжани кўради.

Кўзлари ҳаракатланмайди. Шунинг учун ўлжани кўрмоқчи бўлса, бошини ҳаракатлантиради. У танасини қимирлатмаган ҳолда бошини 270 даражагача (доирага яқин тарзда) буриш имконига эга. Уларнинг бўйин умуртқалари сони бошқа қушларники каби еттита эмас, балки ўн тўртта экан. Шунингдек, унинг суяклари ва қон томирларининг жойлашуви бойқушга бошини 270 даража бурганда ҳам мянга қон келишини таъминлайдиган қилиб яратилган экан.

Агар инсон бошини шундай даражада бурадиган бўлса, бўйин умуртқаси синиши, қон томирлар узилиши оқибатида ҳалок бўлади.

Бойқушнинг эшитиш қобилияти кучли бўлиб, ер остидаги ер сиртига яқин турган жонзотларнинг товушини, беркиниб олиб нимадир кавшаётган сичқонни эшита олади.

Шунингдек, у доирасимон юзидан параболик антенна сифатида фойдаланиб, атрофдан келаётган паст товушларни қулоқларига юборади.

Бойқуш бўри боласи, қуён, тулкиларга ҳам ҳужум қилиши мумкин.

Бойқуш танасининг 70 фоизи патдан иборат экан.

Бойқушнинг қанот патлари жуда майин бўлгани, ҳавони синдириш ва овозни ютиш имконига эга бўлгани сабабли учиш асносида товуш чиқмайди. Шу боис бойқуш товушсиз парвоз қилади. Бу эса ўлжаларга сездирмай, уларга ҳужум қилиш учун қулайдир. Қолаверса, қанотлари катта бўлгани учун уларни кўп марта қоқишига ҳожат қолмайди. Бу эса парвозни сокинлик билан амалга оширишга ҳисса қўшади. Ёнингиздан учиб ўтса ҳам сезмаслигининг мумкин.

Бойқуш жанубий қутб (Антарктида)дан ташқари барча — хароба уйларда, экинзорларга яқин жойларда, ўрмонларда яшайди.

Бойқуш овқатсиз тахминан уч кун яшайди.

Урғочи бойқуш 4-6 та тухум туғиб, уларни тахминан 5 ҳафта босиб ётади.

Агар она бойқуш оч қолса, тухумдан чиққан жўжаларни еб қўяди.

Бойқуш кундузи уясида, баъзан уясидан ташқарида ухлайди. Бунда унинг патлари ўзи турган муҳит, ёнидаги дарахт рангига уйғунлашиб, душман кўзидан яширинган ҳолда (буни фан тилида «маскировка» дейилади) ухлайди.

Аллоҳ таоло бу жонзотга ана шундай имкониятларни бериб, бойқушнинг яшаши учун нималар керак бўлса, барчасини ато қилган.

Юқорида бойқуш ҳақида келтирилган маълумотлар инсониятга маълум бўлганларининг баъзиларидир. Ҳали инсон бу жонзот ҳақида ўрганиб улгурмаган, кашф этмаган ҳақиқатлар бисёрдир.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

«Бу Аллоҳнинг яратганидир. Қани менга кўрсатинг-чи, Ундан бошқалар нимани яратдилар. Йўқ! Золимлар очиқ-ойдин адашувдадирлар» (*Луқмон сураси, 11-оят*)

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади